O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 30 август, № 169-170 (4068-4069) Чоршанба

*Ўзбекистон — Япония:*

## ДЎСТ, ШЕРИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми 29 август куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди***

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан бошлаб у мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бош вазир Жунъичиро Коидзумининг энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида Ўзбекистонга ташриф буюришида чуқур рамзий маъно бор. Бу Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга интилишидан, ўзаро муносабатларни қадрлашидан далолатдир.

Дўрмон қароргоҳида Япония Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Жунъичиро Коидзумининг яккама-якка суҳбати бошланди. Унда Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов ушбу мулоқот Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ўтаётгани халқларимизнинг бир-бирига ҳурмат-эҳтиромидан, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликни равнақ топтириш йўлидаги истак ва интилишлари муштарак эканлигидан далолат беришини таъкидлади.

Жунъичиро Коидзуми ушбу ташриф икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масалаларини чуқур таҳлил этиш, ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқиш, халқаро майдонда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш борасида атрофлича фикр алмашиш учун қулай имкон яратишини қайд этди.

Томонлар ўзаро ҳамкорлик Президентимизнинг 2002 йили Японияга ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга муносиб равишда ривожланиб бораётганини таъкидлаб, байрам кунлари қутлуғ айём шукуҳи билан ўтказилаётган бу галги музокаралар албатта самарали бўлишига қатъий ишонч билдирдилар.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва Япония, жуғрофий узоқликка қарамай, бир-бирига анча яқин давлатлардир. Япония Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистон учун Осиё-Тинч океани мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатлар муҳим ўрин тутади. Кунчиқар мамлакатнинг юқори технологиялари ва сармояси савдо-иқтисодий алоқаларни равнақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Япония Бош вазирининг ташаббуси билан бу мамлакат ташқи сиёсатида "Ипак йўли дипломатияси", "Марказий Осиё плюс Япония" мулоқот механизми шаклланган. Бу мамлакат Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларини кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Япония Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, бу ерда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, бизнес, маданият ва илм-фан



СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

намояндаларининг алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билан қарайди. Шунингдек, Кунчиқар юрт Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш ташаббусини ҳам юксак баҳолайди. Афғонистондаги тикланиш ишларида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тарафдори.

Ислом Каримов ва Жунъичиро Коидзуми ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини қайд этдилар. Ўзбекистон ва Япониянинг кўплаб халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқинлиги таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келади.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий диққат-эътибор савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари тузилган. Улар ҳар йили қўшма мажлис ўтказиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилайди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, истиқбол режаларини ишлаб чиқади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

*Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»**

**Костин Николай Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»**

**Раҳматов Камолиддин Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи хонандаси

*Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидоийлик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Иноятов Рустам Расулевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Раиси

**Қодиров Рашитжон Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Ортиқова Светлана Боймирзаевна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи

**Ғофуров Ҳасан Тоҳирович** — Қашқадарё вилояти Қарши тумани давлат солиқ инспекциясининг катта инспектори

**Имомбоев Наримон Анварович** — Тошкент шаҳар божхона бошқармаси божхона назоратини ташкил этиш бўлими бошлиғи

**Мустафоев Бўритош** — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

**Усмонов Аҳмад Тугилович** — Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**Шодмонов Фахриддин Кошқар-ўғли** — Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

**I даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Проценко Сергей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва Ўзбекистоннинг дўст халқини чин юракдан қутлайман.

Мамлакатларимиз ўртасида тарихан қарор топган самимий ва дўстона муносабатлар сўнгги икки йил давомида олий даражадаги ўзаро ташрифлар билан янада мустаҳкамланди. Мен икки томонлама муносабатларимизни ривожлантиришда ва минтақадаги ўзаро манфаатларни олға суришда Сиз билан ҳамкорлик самарали бўлишига ишонаман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга соғлиқ, Ўзбекистоннинг дўст халқига бахт-саодат ва омонлик тилаб, энг эзгу истакларимни изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Манмоҳан СИНГХ,**
**Ҳиндистон Республикаси Бош вазири.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ушбу шонли байрам кунида Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Ишончим комилки, давлатларимиз ўртасида қарор топган дўстона муносабатлар Арманистон-Ўзбекистон икки томонлама ҳамкорлигининг янада чуқурлашиб боришига бундан буён ҳам кўмаклашаверади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор этаман.

Эҳтиром ила,

**Роберт КОЧАРЯН,**
**Арманистон Республикаси Президенти.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами билан Сизни чин қалбдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатингиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Сизни ишонтириб айтаманки, Словакия Республикаси бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва ўзаро фойдали муносабатларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор беришдан манфаатдордир.

Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

**Иван ГАШПАРОВИЧ,**
**Словакия Республикаси Президенти.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати томонидан жаҳон компьютер тармоғи — Интернетнинг “uz” доменида “Мустақиллик йилномаси” веб-саҳифаси яратилди.*




## ИНТЕРНЕТДА — «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ»

Мазкур веб-саҳифани яратишдан мақсад мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида давлатимиз ва миллатимиз манфаатлари йўлида собитқадамлик билан олиб борилган ва изчил давом эттирилаётган сиёсатни глобал ахборот тармоғи орқали кенг тарғиб этишдан иборатдир. «Мустақиллик йилномаси»да 1991 йилнинг 31 августидан то бугунги кунгача бўлган воқеалар хронологияси ва фактлар акс этган.

Ўн беш йил тарихан қисқа муддат бўлса-да, юртимизнинг мустақил давлат сифатида босиб ўтган йўли тўғрисида муайян хулосалар чиқариш имконини беради. Кўнглимизга ғурур бағишлайдиган муҳим хулоса шуки, истиқлол йилларида давлатимиз, ўзбек халқи барча мезонлар бўйича ўз-ўзини мустақил бошқаришини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий, маънавий-маърифий соҳаларда бошқаларнинг етовисиз яшай олишини амалда исботлади.

Таъкидлаш жоизки, дунё афкор оммаси Ўзбекистон қиёфасида ўз ҳаёт йўлини ўзи белгилайдиган, орзу-интилишларига эришиш усулларини ўзи танлайдиган, тарихий тақдирга бефарқ бўлмаган миллатни, халқни таниди ва тан олди. Ўтган йиллар мамлакатимизга ҳар томонлама кучга тўлиш, халқимизга ўзлигини англаш, жаҳон халқлари орасидаги муносиб ўрнини эгаллаш ва миллий манфаатларига асосланиб дунёга ўз сўзини айтиш имконини берди. Бугун Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланишнинг аниқ йўлларини белгилаб олган, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини жаҳондаги глобал ўзгаришлардан ҳамда ўзининг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда олиб бораётган суверен давлатдир.

(Давоми 3-бетда).

## ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

*Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида истиқлол йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларида қўлга киритган ютуқларимиз, юртимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар акс этган “Ўзбекистон. Мустақил тараққиёт йўли” деб аталган фотоальбом нашрдан чиқди.*



Жонажон Ўзбекистонимизнинг гўзал қиёфаси, табиат манзаралари, юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуришдек олижаноб мақсад йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар, хусусан, мулкка ва меҳнатга янгича муносабат, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, социал соҳаларда эришилаётган натижалар альбом саҳифаларида ранг-баранг фотосуратлар воситасида ифода этилган.

Фотоальбом йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг "Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг куч-қудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни бахш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир", деган теран маъноли сўзлари билан очилади. Альбом саҳифаларини безаб турган, юртимиз, одамларимиз, ёшларимиз, уларнинг эзгу интилишлари, азму шижоати акс этган лавҳа ва фотосуратларда бу фикрларнинг амалий тасдиғини кўрамиз.

(Давоми 3-бетда).

**Бугуннинг гапи**

## МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

**Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ давлатимизнинг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли умуммиллий дастурлар, улкан амалий ишлар, жумладан, ўқувчи ва талаба ёшлар учун барпо этилаётган янги-янги мактаблар, замонавий лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, фарзандларимиз келажаги учун хизмат қиладиган кўплаб ижтимоий объектлар мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.**

Президентимиз юртимизнинг қайси ҳудуди, шаҳар ёки қишлоғига бормасин, бошқа ижтимоий тоифа вакиллари қатори аввало ёшларнинг униб-ўсиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши учун яратилаётган шарт-шароитлар билан яқиндан танишади, ёш авлод вакиллари билан учрашиб, самимий суҳбатлашади, шу аснода уларнинг орзу-ўйлари, ўз олдига қўйган мақсад ва режалари билан қизиқади.

Давлатимиз раҳбари 25 август куни, Мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишар экан, ана шу анъанани давом эттириб, бошқа муҳим ижтимоий объектлар қатори ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун хизмат қиладиган янги иншоотларни ҳам кўздан кечирди.

Жумладан, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида янгитдан қуриб биткazилган Универсал спорт саройига ташриф буюриб, унинг ўзига хос меъморий тузилиши, спорт мусобақаларини ўтказиш, ёш йигит-қизларнинг спорт

(Давоми 3-бетда).

*Ўзбекистон — Япония:*

# ДЎСТ, ШЕРИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Япония-Ўзбекистон қўмитасига Йосиро Мори, Таро Асо сингари таниқли сиёсатчилар, "Мицуи", "Марубени", "Тошиба", "Чори", "Тойота", "Шимидзу" каби корпорацияларнинг, йирик банк ва молия муассасаларининг раҳбарлари аъзо бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозир мамлакатимизда ўндан зиёд Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), "Мицуи", "Мицубиси", "Сумимото", "Нише Иваи", "НЭК", "Тойота Цусе" каби 22 йирик корпорациянинг ваколатхоналари очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга ошириляпти. Масалан, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда имтиёзли кредит ажратган, Боғот ва Қўқонда тайёр экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик мажмуалари қурилишини молиялаштириш учун Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) билан жами 90 миллион долларлик кредит шартномалари имзоланган.

Умуман, ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейинги даврда Япониянинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларига яқиндир. Япония ҳукуматининг "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида 910 миллион, Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг тижорий кредитлари орқали ёқилғи-энергетика мажмуи ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун 820 миллион доллар ажратилган.

Ижтимоий-маданий ҳамкорлик доирасида 2004 йилнинг мартида Япониянинг етакчи олий ўқув юртларидан бири саналган Сока университетида буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилгани ва ҳар йили 9 февраль куни Навоий кечаси ўтказилиб, ҳайкал пойига гуллар қўйилишини, 2001 йили мамлакатимиз пойтахтида Япон боғи очилганини, 2003 йилда "Тинчлик қўнғироғи" мажмуи барпо этилганини, 2005 йили эса "Хиросима тинчлик тоши" ўрнатилганини, Ўзбекистондаги таълим ва шифо масканлари замонавий техника ва ускуналар билан таъминланиб келаётганини, Япония маданияти кунларини ўтказиш яхши анъанага айланиб бораётгани ва бу анъананинг қамрови йил сайин кенгаяётганини, таълим соҳасидаги яқин алоқаларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кунчиқар мамлакат Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил қўллаб-қувватлаб келаётир. Хусусан, "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳаси учун грантлар ажратмоқда. Кўплаб мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида лингафон кабинетлари, компьютер марказлари ишга туширилаяпти, таълим муассасалари замонавийлаштирилмоқда. Япониянинг нуфузли университетларига 138 ўзбекистонлик талаба ўқишга юборилган. Кунчиқар юртда малака оширган мутахассисларимиз сони эса мингга яқинлашди. Айниқса, Васеда, Нагоя университетлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Академик доиралар археологик тадқиқотлар ўтказишда изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Далварзинтепани тадқиқ қилиш бўйича тузилган Ўзбекистон-Япония қўшма экспедицияси катта муваффақиятларга эришди. Бу ердаги қадимий Будда ибодатхонасидан чиққан II-III асрларга оид топилмалар Японияда ўтказилган махсус кўргазмада катта қизиқиш уйғотди.

Тошкентда Япония маданият маркази, "Ўзбекистон-Япония" дўстлик жамияти, Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази фаолият кўрсатмоқда. Юртдошларимиз уларда тил ўрганиб, компьютер ва бизнесга оид билимини такомиллаштирмоқда.

Япониянинг Ватаучи мактабида Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти, тарихи, маданияти ва анъаналарига бағишланган тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, Ўзбекистон бадиий академияси билан ҳамкорликда ёш ўзбек ва япон рассомлари асарларининг кўргазмаси ташкил қилинди. Фукусима шаҳрида "Фукусима-Ўзбекистон" маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси фаолият юритмоқда. Ўзбекистон делегацияси жорий йил бошида Токиода ўтказилган XIV халқаро маданият фестивалида фаол қатнашди. Тошкентда миллий ва замонавий япон мусиқаси концертлари бўлди.

Кунчиқар мамлакат уруш йиллари тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ва ўзбек заминида абадий қўним топган япон фуқароларига халқимиз кўрсатган меҳр-мурувватни унутмайди. Улар хотирасига атаб Тошкентда, пойтахт вилоятининг Бекобод, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларининг айрим шаҳар ва қишлоқларида қурилган ёдгорликларни ҳар йили кўплаб японлар зиёрат қилади.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ишга солинмаётган имкониятларни ўрганиб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ҳамкорликнинг салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш йўллари муҳокама қилинди.

Музокара якунида Ўзбекистон-Япония Қўшма баёноти қабул қилинди.

Жунъичиро Коидзуми Ислом Каримовга япон тилини ўрганиш бўйича ўқув материаллари ва Япония ҳақидаги китобларни тақдим этди. Ушбу ўқув материаллари ва китоблар мамлакатимиздаги тегишли олий ўқув юртларига топширилади.

Ўзбекистон вакилларининг Японияда таҳсил олиши учун беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича Алмашув ноталари имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов икки томонлама муносабатлар тарихида Ўзбекистонга илк бор Япония Бош вазири расмий ташриф буюргани, бу ташриф ўзаро алоқалар ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан воқеа эканлигини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровли масалалар кўриб чиқилганини, халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

— Ташриф Японияда Ўзбекистон билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга қизиқиш кучли эканлигининг далолатидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Биз Японияга узоқ муддатли ва ишончли ҳамкор сифатида қараймиз, бу мамлакат билан муносабатларга алоҳида аҳамият берамиз. Япониянинг Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз.

Ислом Каримов музокара чоғида Япония ҳукуматининг ташаббуси бўлмиш "Марказий Осиё плюс Япония" мулоқоти доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга алоҳида эътибор берилганини, Ўзбекистон ва Япония терроризмнинг молиялаштирилишининг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида ҳамфикр эканлигини маълум қилди.

— Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сармоявий ҳамкорлик, юқори технологиялар, энергетика, кончилик соҳаларидаги алоқалар масалаларини муҳокама қилдик, — деди Ўзбекистон Президенти. — Уран конларини ўзлаштириш борасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ, деб ҳисоблаймиз. Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчиманки, Япониянинг дунёдаги нуфузи, иқтисодий қудратини инобатга олиб, Ўзбекистон бу мамлакатнинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келмоқда.

Жунъичиро Коидзуми музокара якунлари Ўзбекистон — Япония муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Ўзаро муносабатлар тарихида Япония Бош вазири биринчи бор Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди, — деди олий мартабали меҳмон. — 1 сентябрь куни Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлайди. Ташриф шу кунларга тўғри келганидан ғоят мамнунман. Ҳозир дунёда Марказий Осиёга эътибор кучаймоқда. Шу маънода, Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлаш, Марказий Осиёни гуллаб-яшнатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Жунъичиро Коидзуми 2002 йили имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот келгусида ҳам ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб қолаверишини таъкидлади.

— Ислом Каримов билан ўзаро муносабатларга ва халқаро аҳамиятга молик муайян масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдик, — деди Япония Бош вазири. — Шунингдек, БМТни ислоҳ қилишга доир масалаларни муҳокама қилдик. Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олиши борасида мамлакатимизни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Ўзбекистондан миннатдормиз.

Жунъичиро Коидзуми ташриф дастуридан Самарқанд зиёрати жой олганига алоҳида тўхталди.

— Телевизор орқали қадимий шаҳарларингизни кўп томоша қилганман, — деди олий мартабали меҳмон. — Самарқандда бевосита тарих билан юзма-юз бўлиш имконияти мени жуда қувонтиради.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари ушбу ташриф алоқалар ривожида муҳим омил бўлишига ишонч билдирдилар.

Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзумининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Темирйўлчилар шифохонаси очилди

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг Термиз бекати бирлашган темир йўл шифохонаси фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган мазкур шифо масканининг очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди.*

*Тадбирни Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуратов очди.*

*Мустақиллик шарофати билан Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини янада жонлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чекка шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам барча шарт-шароитларга эга бўлган тиббиёт муассасалари бунёд этилмоқда. Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК раиси О.Раматов ва бошқалар йиғилганларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан қутлаб, янги шифохона темирйўлчиларнинг саломатлигини тиклашда муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.*

*Педиатрия, диагностика, жарроҳлик, физиотерапия, рентген бўлимларини ўз ичига олган янги мажмуада бир вақтнинг ўзида 40 нафар бемор даволанади. Янги даволаш масканида физиотерапия, клиник-диагностика лабораторияси, катта ёшдаги беморларнинг қабул бўлимлари темирйўлчиларга беминнат хизмат кўрсатади. Шифохона сўнгги русумдаги замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.*

*Янги шифохонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов иштирок этди.*

**Х. МАМАТРАЙИМОВ**
**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Абдиев Ҳайдар Норказакович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Азимов Шуҳрат Маратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Амержанов Алем Толеуханович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошқармаси бошлиғи

**Анарбаев Александр Зайнитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинларининг ҳарбий қисм штаб бошлиғининг ўринбосари

**Ғуломов Шуҳрат Тўражонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жамолов Бахтиёр Ўроқович** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари

**Қурбонов Аҳмат Ахтамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Курганбоев Аваз Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мешеряков Дмитрий Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзаев Руслан Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири

**Насриддинов Алишер Жалолович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор вакили

**Никишин Геннадий Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Экспертиза ва криминалистика бўлими бошлиғи

**Ёрбобоев Акбар Неъматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошқармаси бошлиғи

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Слизкий Борис Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош травматологи — травматология бўлинмаси бошлиғи

### «Дўстлик» ордени билан

**Бобожонова Гавҳар Дурдиевна** — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича ёрдамчиси

**Жуманазаров Иклас-бай Аитореевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туман суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси

**Ким Александр Геннадьевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг қурилиш-монтаж участкаси бошлиғи

**Пленков Борис Леонидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги корпуси штаби бошлиғининг ўринбосари — бўлим бошлиғи

**Шевалдина Ирина Наримоновна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

### «Жасорат» медали билан

**Абдуллаев Акмал Абдуҳошимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдураҳмонов Абдусаттор Эгамбердиевич** — Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальонининг милиционер-ҳайдовчиси

**Авазов Темир Тожимуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости секцияси командири

**Акбаров Рустам Сайфуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги базаси хизмати бошлиғи

**Алимуҳамедов Руслан Иброҳимович** — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

**Асланов Шокир Рўзибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи командири

**Ашуров Рустам Хушбоқович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ашуров Ўктам Ўткирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бектемиров Шукрулла Ҳабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бобоқулов Музаффар Хурсанович** — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальонининг милиционери

**Болтабоев Комилжон Охунжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони гранатомётчиси

**Воҳидов Нажмиддин Соткинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи командири

**Ғиёсов Қудратилло Мирзаколонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи

**Жабборов Баҳодир Нормуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғининг ўринбосари

**Джеппаров Дмитрий Викторович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг взводи командирининг оператив ишлар бўйича ўринбосари

**Дониёров Зафар Пардабоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони мергани

**Зармасов Шуҳрат Ёқубжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иброҳимов Фаррух Фарҳодович** — Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили

**Қодиров Яҳёжон Тожимаҳаммедович** — Андижон вилояти божхона бошқармаси божхона пости бошлиғи

**Қодирова Гулнора Ғаниевна** — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Қаландаров Худоёр Искандарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Қаҳрамон Қаххорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қосимов Давлатжон Шавкатович (марҳум)** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл патруль хизмати бригадасининг катта инспектори

**Қосимов Музаффар Раҳматжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қаюмов Иброҳим Назиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм радиостанцияси бошлиғи

**Кидрячев Марат Мунирович** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ички ишлар бўлимининг бўлинмаси бошлиғи

**Қиличев Эркинжон Деҳқонович** — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг йўл-патруль хизмати инспектори

**Кенжаев Умаржон Мансурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости гуруҳи командири

**Қутлимуродов Илҳом Мадиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг бўлинмаси бошлиғи

**Мавлонов Шавкат Шайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг алоҳида базаси катта ўқчи — фельдшери

**Мажидов Азим Маҳаммадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири

**Маманазаров Баҳодир Оқбоевич** — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальонининг гуруҳ командири

**Матсаидов Отабек Йўлдошевич** — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги қисмининг бўлинма командири

**Маҳкамов Зокиржон Набижонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мираҳмедов Миразиз Мирҳамидуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири

**Муратов Олег Зиядуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари взводи қидирув-разведка гуруҳи командирининг ўринбосари

**Мўминов Баҳодир Турғунович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг гуруҳ командири

**Назаров Ҳусан Топикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги базаси командири

**Нормуродов Шуҳрат Муҳаммадиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари минтақавий штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Нурдинов Улуғбек Абдурашитович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводи гранатомётчиси

**Отақўзиев Шуҳратжон Нурмуҳаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Расулов Нодир Саидоқилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳматуллаев Отажон Садриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор вакили

**Савинков Игорь Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Саидов Нурмуҳаммад Аҳмедович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тез ҳаракат қилиш махсус отряд командири

**Саидов Олим Тўхтаевич** — Навоий вилояти Қизилтепа тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Собиржонов Ойбек Юсубжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округининг бошқарув аппарати тезкор бўлими бошлиғи

**Турдалиев Умидхўжа Оловуддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турдиев Тўйчи Темирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари чегара постининг мергани

**Турсунов Қодиржон Абдуфаттоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг взвод командири

**Умаров Анвар Исаевич** — Қашқадарё вилоят Китоб тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ўрмонов Анваржон Тўхтабоевич** — Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги қисмининг таъмирловчи устаси

**Файзиев Борис Ахтамович** — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

**Ҳамидов Бахтиёр Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хонниёзов Ғайрат Норбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Бахтиёр Изомович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор вакили

**Хидиралиев Вали Комилжонович** — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бўлимининг катта тезкор вакили

**Холмуродов Ўткир Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари алоҳида базаси гуруҳининг қўриқловчи катер командири

**Хўжамбердиев Нодирбек Фозилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хўжамуродов Парда Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округининг муҳандислик хизмати бошлиғи

**Шомирзаев Шавкат Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони командири

**Эргашев Ўрмонжон Мадаминович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм кинолог- йўриқчиси

**Эрматов Дилшодбек Бакирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Йўлдошев Зокиржон Ҳамиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари эскадрильяси командири

**Йўлдошев Адҳамжон Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юнусов Отабек Йўлдошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони гранатомётчиси

**Юсупов Олимжон Жабборович (марҳум)** — Навоий вилояти Нурота тумани ички ишлар бўлимининг бўлинма бошлиғи

### «Шуҳрат» медали билан

**Аҳмедов Анвар Шамсиевич** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизматининг Бухоро вилояти бўлинмаси бошлиғи

**Бегимқулов Шерзод Шодиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бошлиғи

**Бўронов Иброҳим Мухторович** — Навоий вилояти божхона бошқармаси «Авангард» ҳаракатдаги божхона пости бош инспектори

**Буэр Рудольф Карлович** — Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жомбой автомобиль мактабининг ўргатувчи устаси

**Губская Аллиса Владимировна** — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тиббиёт бўлими терапевт шифокори

**Зиляев Баҳодир Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи

**Исоқов Абдурашид Қутпиддинович** — Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлими бошлиғи

**Қодиров Карим Саломович** — Сурхондарё вилояти Музробод тумани давлат нотариал идорасининг нотариуси

**Қосимов Аброр Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкилий тезкор бошқармаси бошлиғи

**Маҳмудов Дилшод Маҳамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби спортчиси

**Меджитова Лиля Рефатовна** — Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекциясининг катта инспектори

**Муродов Бахтиёр Иззатович** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекциясининг шўъбаси бошлиғи

**Назаров Абдуазиз Файзуллаевич** — Сирдарё вилояти прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

**Нежурин Сергей Викторович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Раҳматов Тўлқин Ўткирович** — Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Олот» божхона комплексининг гуруҳи кичик инспектор-кинологи

**Решетников Владимир Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта терговчиси

**Рустамбеков Улуғбек Шавкатбекович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий қисм командирининг ўринбосари — техник қисм бошлиғи

**Содиқов Орзумурод Халилович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг катта ўқитувчиси

**Саидов Шокир Камолович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармасининг бошлиғи

**Слегина Людмила Михайловна** — Сурхондарё вилоят адвокатлар ҳайъатининг раиси

**Сулейманов Вельмур Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳакимова Сайёра Абдуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

**Ҳакимов Марат Аҳмедович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи хонандаси

**Ҳаққулов Зокир Баҳромович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлиғининг ўринбосари

**Худойбердиев Шерамат Ҳайитович** — Навоий вилояти хўжалик судининг судьяси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 август.

# МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан шуғулланиши, истеъдод ва маҳоратини ошириши нуқтаи назаридан берадиган улкан имкониятлари билан яқиндан танишди, бир гуруҳ спортчи ёшлар билан чин дилдан суҳбатлашиб, уларнинг режалари, эришаётган ютуқлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари шу куни пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда таълим олаётган талаба ва ўқувчилар истиқомат қиладиган "Ёшлик" шаҳарчасини ҳам бориб кўрди. Маълумки, Президентимиз ўтган йили янги йил арафасида ушбу шаҳарчада бўлиб, бошланган ижобий ишларни ниҳоясига етказиш, ёшларнинг дарсдан кейин бўш вақтини кўнгилли ўтказиши, мазмунли дам олиши, спорт билан шуғулланиши, тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур инфратузилмалар барпо этиш бўйича тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида ана шу таклиф ва кўрсатмалар асосида бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Ислом Каримов ана шу ишларнинг қай даражада амалга оширилгани билан атрофлича танишди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида етарлича ахборот берилгани сабабли биз воқеа тафсилотларига батафсил тўхталмоқчи эмасмиз. Биз бу ўринда фақат сиз, ҳурматли ўқувчилар эътиборини Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг янги бунёд этилган муҳташам спорт мажмуасида Юртбошимизнинг бир гуруҳ талаба йигит-қизлар билан бўлиб ўтган очиқ ва самимий мулоқоти чоғида тилга олинган баъзи бир ўта муҳим ҳаётий масалаларга қаратмоқчимиз, холос.

Халқимиз азал-азалдан ўз фарзандлари тимсолида ҳар жиҳатдан етук, баркамол инсонларни кўришни орзу қилади. Мустақиллик йилларида ана шу эзгу ва олижаноб мақсадни амалга ошириш учун барча имкониятлар вужудга келди. Бугун юртимизда сиз каби минг-минглаб ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитлар яратилмоқда, деди давлатимиз раҳбари сўз аввалида.

Хўш, етук, комил инсон бўлиш учун одам ёшлигидан бошлаб ўз олдига қандай мақсад-муддаолар қўйиб яшаши, қандай инсоний фазилатлар соҳиби бўлиши лозим? Ёшларнинг бу борада берган жавобларига қўшилиб ва уларни тўлдириб, Ислом Каримов одамнинг етуклиги авваламбор унинг иймон-эътиқоди, ота-онаси, яқинлари, эл-юрти олдидаги бурчи ва вазифасини қандай тушуниши, миллий қадриятларига, муқаддас динига бўлган ҳурмати билан белгиланади, деб таъкидлади. Комил инсон деганда, биз биринчи галда иймонли одамни тасаввур қиламиз. Жуда кенг маъноли бу тушунча аввало соф виждон билан, ҳеч қачон ҳақиқатга, она юртига қарши бормасдан, ҳалол-пок бўлиб ҳаёт кечиришни англатади.

Комил инсон бўлиш учун одам ўз мустақил фикрига эга бўлиши зарур. Чунки мустақил фикрлайдиган одамгина ўз ҳаётий позициясига, мустаҳкам иродага эга бўлади, ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг қарашлари, қолаверса, ўз халқи, Ватани манфаатлари ҳимояси йўлида собит тура олади. Қаерда қандай фикр билдирилмасин, уларни ҳеч қачон кўр-кўрона қабул қилмайди, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилиб ёндашади, қайси масалада бўлмасин, қатъиятини намоён этади. Бундай инсонларни тўғри йўлдан оздириш ҳам, алдаш ҳам қийин бўлади.

Одам ўз фикрига эга бўлиши учун бошқа кўп-кўп фазилатлар қатори унда чуқур билим, интеллектуал салоҳият кучли бўлиши лозим. Айниқса, жаҳон майдонида фикр, ақл-заковат мусобақаси кескин бораётган ҳозирги мураккаб даврда интеллектуал салоҳият, интеллектуал бойлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим, деди Президент.

Комилликнинг яна бир муҳим шарти — бу Ватанга, эл-юртга фарзандлик садоқати, фидоийлик билан хизмат қилишдир. Бу ҳақда сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари таъсирчан бир қўшиқдаги **"Жоним фидо, умрим фидо элимга"** деган чуқур маъноли сўзларни эзгу даъват тариқасида эслаб ўтди. Мана шундай олийжаноб даъватни ўзи учун ҳаётий эътиқодга айлантирган, унга амал қилиб яшайдиган одам албатта ҳеч қачон кам бўлмайди.

Шу борада яна бир муҳим масала борки, ёшлар билан суҳбат чоғида Президентимиз бу мавзуга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Одам нимаики ишга қўл урмасин, аввало уни чин дилдан, инсоф ва масъулият билан бажаришга ҳаракат қилиши лозим. Ёшликдан шунга интилиши, керак бўлса, шу йўлда ўзини қийнаши, куч-ғайрати, борлиғини аямасдан шу мақсадга ўзини бағишлаши лозим. Шундагина одамда келгуси ҳаёт йўлларида унга ниҳоятда асқотадиган билим ва тажриба, бошқалар ҳавас қиладиган, ибрат ва ўрнак олишга арзийдиган фазилатлар пайдо бўлади. Шундагина унинг меҳнатидан нафақат ўзи, балки оиласи ва халқи ҳам баҳраманд бўлади.

Мен бу гапларни ўзимнинг кўп йиллик ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб гапиряпман. Чунки бу ҳақиқатга ўз шахсий ҳаётим давомида кўп бор ишонч ҳосил қилганман, деди Юртбошимиз ва ўзининг талабалик даври, бугун унинг кўп қиррали фаолиятида доимо қўл келадиган мустаҳкам билим асосларини эгаллаш йўлидаги изланишлари ҳақида гапириб, баъзи бир ибратли ҳаётий мисолларни ҳам келтириб ўтди.

Бугунги кунда ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши — давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди ва бу мақсадга етиш учун биз фарзандларимиздан ҳеч нарсани аямаймиз. Буларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад шундан иборатки, деди Президентимиз ўз фикрларига якун ясар экан, фарзандлари баркамол юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Фақат шундай авлодгина Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум эта олади. Фақат шундай авлодгина биз бошлаган эзгу ишларни шараф билан давом эттиришга қодир бўлади.

Суҳбат давомида давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган яна бир муҳим фикр кўпчилик қатори менинг ҳам эътиборимни ўзига жалб этди. Биз мустақиллик ҳақида кўп гапирамиз, истиқлолимизни ҳамиша ардоқлаб, улуғлаймиз. Буларнинг барчаси табиий, албатта. Лекин, шу билан бирга, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ, эркин ва озод яшаш ҳуқуқи экани, бу ҳуқуқни ҳимоялаш, уни асраш, уни рўёбга чиқариш учун белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилиш кераклигини ҳам доимо ҳис этиб яшашимиз лозим.

Маълумки, юртимизда ҳар йили янги ўқув мавсуми мустақиллик дарслари билан бошланади. Президентимизнинг янги ўқув йили арафасида бир гуруҳ талаба ёшлар билан бўлган суҳбатда ўртага қўйган масалалари, билдирган муҳим фикр-мулоҳазалари яна бир неча кундан кейин билим масканлари остонасига қадам қўядиган ёшларимиз учун ўзига хос мустақиллик дарси, унутилмас бир сабоқ бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

**М. САИДОВ.**

# ЁШЛАР – МЕНИНГ ҚАНОТЛАРИМ



***Ўзбекистон Қаҳрамони, Гулистон Давлат университети қошидаги академик лицей директори Саме Саматов билан тезкор мусоҳаба***

**— Саме ака, энг аввало, Қаҳрамонлик унвони муборак бўлсин. Айтингчи, бу хушхабарни даставвал кимдан эшитдингиз?**

— Раҳмат. Биласиз, ҳозир барча таълим масканларида янги ўқув йилига тайёргарлик бормоқда. Биз ҳам 25 август куни кечгача лицейда ишладик. Ишхонада "Ахборот"нинг кеч соат 19.30 даги кўрсатувини жамоа билан кўраётган эдик. Президентнинг Фармонидан сўнг биринчи бўлиб мени қутлаган шу масканда ўзим билан елка-ма-елка ишлаётган, менинг режаларим ва орзу-истакларимни рўёбга чиқарган ва чиқараётган севимли жамоам бўлди. Хуллас, хушхабарнинг қаноти бор, деганлари рост экан. Тезда вилоятни тутди, мамлакатни эгаллади. Ҳали-ҳануз табрик ва телеграммалар олиб турибман.



**— Фармон матнида "... ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун" деган жумлалар бор. Бу, табиийки, сизнинг фаолиятингизга берилган юксак баҳо. Ва айни пайтда...**

— Улкан масъулият ҳамдир. Энди ўйлаб кўрсам, бу унвон менинг келгусидаги меҳнатларимни ҳисобга олгандай. Ҳали бизнинг олдимизда жуда улкан вазифалар турибди. Бевосита мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан юзага келган ва бугунги кунда ҳаётга дадил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича бажарадиган юмушларимиз бисёр. Аслида бу дастур таълим доирасида жуда катта ислоҳотларни бошлаб берди. Таълим тизимида лицей, академик лицей, коллеж каби атамалар пайдо бўлди. Бутун мамлакатда бугун "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари изчил амалга оширилмоқда. Ушбу қонун, энг аввало, ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини ҳисобга олади. Масалан, 9-синфни битирган ўқувчи энди хоҳласа, академик лицейда ўқишни давом эттиради, хоҳласа касб-ҳунар коллежларига бориб касб ўрганади.

Аслида бизнинг лицейимиз ҳам Истиқлолнинг, аниқроғи, истиқлол туфайли содир бўлаётган ислоҳотларнинг меваси. Академик лицейимизда ёшларимизнинг илм олишлари учун ҳамма шароитлар бор. 3 та замонавий компьютер синфи, 3 та лингафон, 3 та лаборатория хоналари маромида жиҳозланган. Мавжуд 42 та синфхонада ўқув жараёнлари марказлашган ички ёпиқ тизимли телестудия орқали назорат қилинади. Туманлардан келган ўқувчиларимиз ҳар томонлама қулай шароитли ётоқхонамизда туришади. Жамоамиз билан қилаётган саъй-ҳаракатларимиз, шукурки, ўз самарасини беряпти. Ўқув даргоҳимизни тамомлаган йигит-қизларнинг аксарияти олий ўқув юртларига юқори балл тўплаб кириб кетишмоқда.

**— Менимча, вилоят педагоглари орасида биринчи Қаҳрамон сиз бўлдингиз?**

— Худди шундай. Менинг камтарин меҳнатимга берилган юксак баҳо учун, аввало, Президентимизга ташаккур! Қолаверса, бу юксак унвонни мен республикамиздаги, шунингдек, вилоятимиздаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг жафокаш ўқитувчи ва ходимлари меҳнатига берилган улуғ баҳо, деб ҳисоблайман. Чунки мен уларнинг маслаҳатлари ва бевосита кўмагисиз бундай натижаларга эришолмаган бўлардим. Қолаверса, истиқлол берган имконият ҳамда шу азиз ва мукаррам инсонларнинг тавсия-ю кўмаклари билан чет элларда бўлиб, таълим соҳасидаги хорижий тажрибаларни ўргандим, уларнинг энг яхшиларини ўз ўқув даргоҳимда жорий этдим.

**— "Халқ сўзи" муштарийлари Қаҳрамоннинг оилавий аҳволлари билан ҳам қизиқишмоқда.**

— Тўғрисини айтганда, биз педагоглар оиласимиз. Турмуш ўртоғим математика ўқитувчиси. Иккита қизим ҳам, ёлғиз ўғлим ҳам педагогика институтини тамомлашган, улар ҳам ўз соҳаси бўйича ишлашмоқда.

**— Янги Қаҳрамоннинг янги режалари қандай?**

— Бутун умрим ёшлар орасида кечди. Уларга ўргатдим, улардан ўргандим, уларга ишондим ва уларга суяндим. Айниқса, бугунги шодмон кунларимизда Президентимиз томонидан уларга берилаётган имкониятлар ва имтиёзлар шу юртнинг бир фуқароси сифатида мени ғоят қувонтиради. Президентимиз меҳридаги бу ёшларга мен жуда қаттиқ ишонаман. Улар ҳамма нарсага қодирдирлар. Менинг режаларим шуларнинг орасида яшаш, шулар билан бирга ҳамнафас бўлиш, шуларнинг бахтли келажаги учун илму салоҳиятимни бахшида этиш. Ёшлар чин маънодаги менинг қанотларимдир. Таълим тизими даражасини ривожланган мамлакатлар миқёсига етказиш, янги инновацион техника ва технологияларни амалиётда қўллаш, таълимдаги ноанъанавийликни давом эттириш, педагогик ходимлар малакасини ошириш, салоҳиятини юксалтириш, ўқув юртларимизнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш — буларнинг барчаси менинг ҳаётий ўй-режаларимдир.

**Эсиргап БОЛИЕВ ёзиб олди.**

# ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фотоальбомда Ўзбекистон Республикаси ҳақида маълумотлар — юртимизнинг бой ва қадимий тарихи, маданияти, меъморий обидалари, аҳолиси, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, марказ ва жойларда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари ҳақида маълумотлар ҳам берилган. Бу китобхонларнинг мамлакатимиз ҳақидаги билими ва тасаввурини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Хусусан, "Ўзбекистон қадимий цивилизация ва маданият бешиги" бўлимида узоқ ўтмишга доир осори-атиқалар, миллий қадриятларимиз ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур каби буюк аждодларимизнинг қадамжолари, Шоҳи Зинда, Регистон, Масжиди Калон сингари қатор меъморий мажмуаларни қайта тиклаш ва обод қилиш йўлида олиб борилган ишлар тасвирланган.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи ва нуфузига эга бўлган давлат. У кўплаб жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда ўзининг қатъий позициясида туради. Альбомнинг "Жаҳонга юз тутган давлат" деб номланган бобида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, минтақада ва дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида олиб бораётган фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Давлатимиз раҳбарининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги учрашувлари, йирик хорижий давлатлар раҳбарлари билан мулоқотлари акс этган фотолавҳалар юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотиши, табиий.

Маълумки, мамлакатимиз пойтахти Тошкент кейинги йилларда тинчлик ва бунёдкорлик шаҳри, улкан стратегик аҳамиятга эга сиёсий марказ, муҳим иқтисодий мегополисга айланди. Альбомнинг "Мустақиллик ва эзгулик рамзлари" бўлимидан жой олган, пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан мамлакатимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдони қиёфасининг тубдан янгилангани, бу ерда барпо этилган Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, яшил хиёбонлар, фавворалар мажмуаси акс этган суратлар киши кўзини қувонтиради.

Шунингдек, альбомда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократия тамойилларини қарор топтириш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, миллий армиямизни ислоҳ қилиш, инсон манфаатларини таъминлаш, маданият, спортни ривожлантириш, баркамол авлодни вояга етказиш, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини бажариш йўлида қилинаётган ишлар ҳам ёрқин ҳаётий лавҳаларда ифодаланган. Энг муҳими, халқимизга хос бағрикенглик, саховатпешалик фазилатлари, диёримизда қарор топган фуқаролар ва миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳити, юртимизнинг бугунги ҳусн-тароввати акс этган фотосуратлар альбомни варақлаган ҳар бир одамда ўз Ватани, халқи билан фахрланиш туйғуларини янада кучайтиради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда матбаачилик соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Полиграфия саноатига янги технологиялар олиб келинди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан юксак сифат билан кўп нусхада чоп этилган, истиқлол йилларида эришган марраларимизнинг ўзига хос кўзгуси бўлган ушбу фотоальбом халқимиз учун ажойиб байрам туҳфаси бўлиши, шубҳасиз.

**(ЎзА).**

# ИНТЕРНЕТДА – «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Мустақиллик йилномаси"га Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Давлат мадҳияси, Ўзбекистон Президентининг энг сўнгги асарларидан намуналар, кўплаб фото материаллар, рақамли видео ва аудио клиплар киритилган. У ахборот ресурсларга бойлиги, дизайни, юқори сифатли графикаси ва ахборотларни излашдаги қулайлиги билан Интернетнинг замонавий талабларига тўла мос келади. Мазкур веб-сайт жаҳоннинг етакчи Интернет-қидирув тизимларида рўйхатга олиниб, фойдаланувчиларга Ўзбекистоннинг мустақиллик тарихига оид маълумотларни тез топиш ва фойдаланиш учун қулай имкониятлар беради.

Уч тилда яратилган "Мустақиллик йилномаси" (www.yilnoma.uz) веб-сайти давлат ва жамият, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва ташқи сиёсат бўлимларидан иборатдир. Унда Ўзбекистон Президенти Матбуот хизматининг архив суратлари, аудио ва видеоматериалларидан кенг фойдаланилган. Янги веб-саҳифа мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сиёсатшунослари, тарихчилари, журналист ва талабалари ҳамда кенг жамоатчилиги учун Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти ҳамда халқаро алоқаларининг бугунги аҳволига оид муҳим маълумотларни бера оладиган салмоқли қўлланма вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Янги веб-сайт Ўзбекистон Республикаси ҳаётига оид тегишли маълумотлар билан мунтазам тўлдириб борилади.

**(ЎзА).**



*Ойдин кўчалар.*

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат-лавҳа.**

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



***Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштиришга қаратилган сиёсат ўз самарасини бермоқда. Иқтисодий ислоҳотлар натижасида юзага келган тўлақонли бозор инфратузилмаси халқимиз фаровонлигига хизмат қиляпти.***

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида монополиядан чиқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган конференцияда шу ҳақда гап борди. Монополияга қарши курашувчи органлар истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан самарали давлат назоратини изчил амалга ошираётгани алоҳида таъкидланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополистик фаолиятнинг, товар ва молия бозорларида устунлик мавқеининг суиистеъмол қилинишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик, ноҳалол рақобатга ва истеъмолчилар манфаатларининг камситилишига барҳам беришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида бозорларимизда соғлом рақобат муҳити шаклланди. Бундан ўн йил муқаддам мамлакатимизда 827 монопол корхона фаолият юритган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 241 та. Ўша пайтда бозорларимизда тўрт мингдан зиёд якка ҳоким маҳсулот сотилган бўлса, бугун бундай маҳсулотлар сони 180га ҳам етмайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони қўмита фаолиятини такомиллаштириш ва янада самарали иш олиб бориши учун замин яратди. Тадбиркорларнинг ўз маҳсулотларини эркин сотиши учун шарт-шароит яратилгани, бу жараёнда бозор шакли – биржа савдоларининг йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Табиий монопол корхоналар фаолияти мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда. Барча имкониятлардан фойдаланишни назарда тутувчи тадбирлар натижасида аҳолига коммунал тўловлар тўлаш борасида қулайликлар яратишга ҳаракат қилиняпти. Тарифлар асоссиз ўсишининг олди олиниши баробарида, саккизта вилоятда иссиқ сув, олтита вилоятда ичимлик сувининг нархи пасайтирилишига эришилди.

Тизимнинг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлган ночор корхоналарни соғломлаштириш борасида сезиларли натижалар қўлга киритилаётир. 2002 йилда 54 ночор корхона соғломлаштирилган бўлса, жорий йилнинг ярмида олти юздан зиёд йирик саноат корхонаси иқтисодини яхшилашга қаратилган ишлар олиб борилди ва улардан 70 фоизининг молиявий аҳволи яхшиланди.

Қўмита мутахассислари хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор қонуниятлари асосида фаолият олиб бориши юзасидан текширишлар ўтказиш билан бирга, асосий эътиборини назорат-таҳлил ишларига қаратмоқда. Шунингдек, реклама бозорини тартибга солиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли натижаларга эришиляпти.

Конференцияда самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ ходимларга «Ўзбекситон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони топширилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**




## Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар

# БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОР ХАЛҚ

...Яқинда пойтахтимиз Тошкентда синхрон сузиш бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Унга кўплаб меҳмонлар қатори мазкур спорт тури бўйича Осиё давлатлари федерацияси техник раҳбари Мивако Хоммо хоним ҳам ташриф буюрди. Япониядек тараққий этган мамлакатдан келган бу нуфузли меҳмон юртимиз тўғрисидаги таассуротларини тележурналистларга баён қилар экан, жумладан, қуйидаги мулоҳазаларни айтди:

— Очиғи, Ўзбекистон, бу ерда яшаётган халқ тўғрисида ҳозирга қадар совет даврида шаклланган юзаки, ёлғон тасаввурда юрганимдан ичимдан хижолат бўлдим. Мен ўзим учун Ўзбекистон қиёфасида ривожланган Ғарб давлатларидаги сингари ҳаётнинг замонавий инфраструктурасига эга бўлган, маданий жиҳатдан юксак тараққиётга эришган, маънавий бойликларини безавол асраб, ривожлантириб келаётган ўзига хос бир гўзал диёрни кашф этдим...

Мивако Хоммо хонимнинг бу мулоҳазалари юртимиз тўғрисида хорижлик меҳмонлар билдираётган фикрлардан бир шингил, холос. Биз эса бу элга меҳмон эмасмиз. Унинг барча ютуқ-муваффақиятлари, муаммо-масалалари сиз билан бизнинг тақдиримиз ва келажагимизга албатта ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан, Ватанимиз бағрида ўтказган мустақиллик кунларимиздан олган таассуротларимизни бугун очиқ, юзма-юз туриб ўртоқлашиш инсоний бурчимиздир.

Ўн беш йил мустақил давлат сифатида босиб ўтилган йўл тўғрисида муайян хулосалар ясашни, энг муҳими — келажакда биздан талаб қилинадиган вазифаларни чамалаб олишни тақозо қилади.

Ўтган давр тўғрисидаги энг муҳим ва бизнинг кўнглимизга ҳақли ғурур бағишлайдиган хулоса – бу Ўзбекистон давлати, ўзбек халқи ўз-ўзини барча мезонлар бўйича мустақил бошқара билишини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий, маънавий-маърифий соҳада бошқаларнинг етовига муҳтож бўлмасдан яшай олишини исботлаганидир.

Албатта, бунга осонликча эришилгани йўқ. Ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга, юртимиз ҳудудини турли-туман хавфли экспериментлар ўтказиладиган майдонга айлантиришга, бир сўз билан айтганда, бизни мустақил тараққиёт йўлидан оздиришга жуда кучли уринишлар бўлди. Гоҳ Шарқдан, гоҳ Ғарбдан содир этилган бундай ҳаракатларга Президент И.Каримов раҳбарлигидаги халқ ўзининг тарихий тажрибасини, кучли иродасини, вазминлиги ва "етти ўлчаб бир кесиш"дек донолик фазилатларини қарши қўйди. Дунё афкор оммаси Ўзбекистон қиёфасида ўз ҳаёт йўлини ўзи белгилайдиган, орзу-интилишларига эришиш усулларини ўзи танлайдиган, тарихий тақдирига бефарқ бўлмаган миллатни, халқни таниди ва тан олди!

Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимиз Президенти халқ ва миллатни дадил даъват этган мақсадга қадам-бақадам эришилмоқда:

***"Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб – беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор".***

Ўзбекистон Президенти истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу давлатда мустақил, бошқаларнинг хоҳиш-иродасига қарам бўлмаган сиёсат юритилишини, бирор-бир соҳада "тили қисиқлик" юзага келишига йўл қўйилмаслигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Натижада, на иқтисод, на сиёсат, на маданий майдон қўлдан бой берилди – юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари (уран, олтин, нефть-газ ва бошқалар), унинг ҳудудида жойлашган собиқ шўро давлатининг ҳарбий потенциали жуда омилкорлик билан миллийлаштирилди, бу соҳаларнинг собиқ раҳбарияти келган жойига ўзбекона ҳурмат билан "кузатиб қўйилди".

Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳадаги қудрати пухта ўрганилиб, мана шу имкониятлардан келиб чиқадиган мустақил сиёсат олиб борилди. Ўзбекистон айрим қўшни давлатларга ўхшаб четдан олинадиган миллиардлаб қарзлар эвазига ўз миллий валютасининг нуфузини тутиб туриш, келгуси авлодлар ризқу насибасини гаровга қўйиб қарзга ботиш йўлидан бормади ва бугун ўша давлатлар сингари дунё кўз олдида "беписанд муносабатга лойиқ" ҳолга тушмади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатни мамлакат, миллатни миллат сифатида дунёда бош кўтариб юришига асос бўладиган миллий ория, ҳамият қўлдан бой берилмади.

Аксинча, ортда қолаётган ўн беш йил мамлакатга ҳар томонлама кучга тўлиш, халққа ўз-ўзини таниш, жаҳон халқлари орасидаги муносиб ўрнини топиш ва мана шу позициялардан туриб дунёга ўз сўзини айтиш имконини берди. Бугунги Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланишнинг аниқ йўлларини белгилаб олган, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини жаҳондаги глобал ўзгаришлардан ҳамда ўзининг стратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб бораётган суверен давлатдир. Унинг халқи мустақилликни асраш, уни ҳимоя қилиш — бу неъматни қўлга киритишдан кўра қийинроқ вазифа эканини ҳам теран англайди, дунёда юз бераётган воқеаларга мана шу нуқтаи назардан ёндашади ва келажак режаларини тузади.

* * *

Мустақиллик шароитида одамларимиз дунёқараши, ўз тақдирига муносабати тубдан ўзгарди. Ҳамюртларимиз ёруғ келажакни фақат ва фақат ўзининг тинимсиз меҳнати, изланишлари, аниқ мақсад йўлидаги ҳаракатлари натижасидагина қуриш мумкин эканини тобора чуқурроқ тушунмоқдалар.

Бу ўринда оддийгина бир мисол билан фикримизни далиллаймиз. Фарғона вилояти Бағдод туманида қачонлардир мавлоно Муқимий тилга олиб ўтган Ултарма отлиғ бир қишлоқ бор. Замон зўр келиб шу қишлоқда отини айтишга тил келишмайдиган, "пролетариат доҳийлари"дан бирининг номи билан аталувчи колхоз ташкил бўлган. Номи улуғ, супраси қуруқ бу хўжаликда йиллар давомида на ҳосилда, на деҳқоннинг дастурхонида барака бўлди. Юз ёшни қаршилаётган Хайриниса бувининг оппоқ, ўсиқ қошларини силаб хотирлашича, колхоз пайтида "тенг ҳуқуқлилик" берилган аёллар отнинг қамчиси билан уриб далага ҳайдалар, қиш-қировлик кунларда рўзғорга эм бўлармикин деган илинжда мошоқ тергани чиққан болалар гарданида ҳам шу қонли қамчининг чандиғлари қолар эди. Ердан, ўзининг она заминидан мосуво этилган халқнинг меҳнатидан қут унмас, ямоққа тўла увинтўда калта кўрпа на бошни, на оёқни ёпар, каттаю кичикнинг кўнглини ҳукуматдан қўрқув чирмовуқдай ўраб олганди...

Юртимиз Раҳбари Фарғона сафарларининг бирида ерга ва меҳнатга муносабатдаги бундай ҳолдан куйиниб, "Назаримда, Фарғонадан файз-барака кўтарилаётгандай туюляпти" деган, аҳволни тубдан ўзгартириш юзасидан қимматли маслаҳатларни берганди.

Юртбошининг бу сўзлари кўплар қатори шўро қамчилари заҳрини тану жонидан ўтказган Давлатжон Сулаймоновнинг чинакамига ориятини қўзғатди. У бугун шу заминда ўзининг фермер хўжалигини ташкил қилган. Гапни қисқа қилиш учун биратўла натижани солиштирамиз: фермер ихтиёрига ўтгунча 13-14 центнердан пахта бераётган замин ўз эгаси қўлига ўтган йилиёқ 45 центнердан ҳосил бера бошлаган!

Айтарсиз, йил қулай келгандир, сув мўл-кўлчилиги бўлгандир, деб. Асло ундай эмас! Гап фақат бир омилда – ер билан муомала қиладиган, унинг парваришига сув билан бирга меҳрини қўшиб берадиган Инсон майдонга чиқди! Бу инсон энди ерни, она заминни алдаш ўзини алдаш эканини, бир йиллик алдов билан ҳеч қаерга боролмаслигини яхши билади. Алдашда мантиқ ва манфаат қолмаганидан кейин Инсон ўзгармаслиги мумкин эмас экан. Инсоннинг озодлиги, мустақиллиги, ўз тақдирига ўзи эгалик қилиши деганлари, ҳарқалай, шу бўлса керак.

Биргина Давлат Сулаймоновгина эмас, ўтган даврларнинг иссиқ-совуғини бошдан кечирган барча мўйсафид ота-оналаримиздан тортиб мустақиллик авлодигача бугун "мен кимман, қандай зотларнинг авлодиман, бундан кейинги тақдирим нима бўлади?" деган масъулиятли савол билан яшамоқда. Чунки Ер юзидаги моддий ва маънавий неъматлар тобора очиқ талаш бўлаётган, дунёга ҳукмронлик қилиш васвасаси билан ҳаракат қилаётган кучлар борган сари фаоллашаётган бугунги таҳликали замонда миллатнинг бетакрор қиёфаси ва тарихий мавқеини, руҳий-маънавий оламини сақлаб қолиш ташвиши, фарзандларимизнинг орзу-мақсадлари уларни қандай манзилларга олиб бориши масаласи барча виждонли одамларни ўйлантириши табиийдир.

* * *

Ҳар қандай халқнинг муайян идеаллари, юксак орзу-интилишлари бўлмаса, бундай халқнинг бугун қилаётган иши нотайин, эртанги кун тўғрисидаги тасаввури хира, келажак тақдири қоронғулигича қолаверади. Ўзбекистон Республикасининг, ўзбек халқининг эртанги кунга қаратилган юксак идеаллари, эзгу орзу-интилишлари бор ва бу ҳақда бугун очиқ-ойдин гапириш мавриди етди.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон дунёвий, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш, кучли давлатдан очиқ фуқаролик жамияти сари қадамба-қадам илдамлаб бориш йўлидан оғишмай давом этади. Бу — бизнинг мамлакатимиз диний фундаментализмнинг, ўрта асрчилик қарашларининг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш олиб бориб, жамиятнинг эркин демократик тамойиллар асосида ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, деганидир.

Муқаддас ислом дини ва унинг юртимиздаги мавқеи тўғрисида гапирар эканмиз, айнан Ўзбекистонда бу дин инсон қалбининг барча эзгу истаклари, унинг табиати талабларига мос равишда қарор топганини, инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун хизмат қилишидек меъёрга етишилганини баралла қайд этиш лозим. Модомики, Яратган динни инсонни камол топтириш, унинг хулқ-атворини яхшилаш, ҳаётини мазмунли ва мантиқли қилиб бойитиш учун туширган экан, айнан бизнинг йўлимиз тўғри ва келажаги ёруғ экани шубҳасиздир.

Мамлакатимизда диний қадриятларга, муқаддас қадамжоларга кўрсатилаётган эътибор ва ихлосдан мутаассир бўлган хорижий минг-минглаб мусулмон биродарларимизнинг биздаги ибратлардан ўрганаётгани, жамият ва дин муносабатларидаги мўътадилликни таъминлаш борасида Ўзбекистон тажрибаларини ўз юртларида жорий этишга ҳаракат қилаётгани ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

Бу борада ҳам кўп эсланган фактларни қайтармай, мисолни яна Фарғонадан, унинг Чимён қишлоғидан оламиз. Ёдингизда бўлса, ўтган асрнинг 90-йилларида шу қишлоқда жойлашган мутасаввуф шоир Хўжаназар Ҳувайдонинг мақбараси хароб аҳволга келиб қолгани тўғрисида хорижий радиолар роса ноғора қоқишар, бироқ аҳволни ўнглашга келганда улар орасидан бирор мард топилмасди. Юртимиздаги юзлаб қадамжолар сингари мавриди билан бу манзил ҳам киши тасаввур қила олмайдиган даражада обод этилди, шоирнинг руҳи шод қилинди. Буни қарангки, энди мазкур ўзгариш тўғрисида дунё афкор оммасига ахборот етказиш бояги "оғзи полвонлар"нинг хаёлига ҳам келмайди.

Яқинда ғарблашган бир мусулмон давлатидан келган ишбилармон ҳасрат қилиб, ўз юртида аллақачон "диндорлар" ва "дунёвийлар" орасида хитой девори пайдо бўлиб улгургани, аслида, диндорларнинг имон-эътиқоди масжид остонасида барҳам топиши, саждагоҳ қаршисида туну кун ишлайдиган ресторанларда эса инсон зотига иснод келтиргучи томошалар авжга минишини айтиб берди. У ёғини суриштирсангиз, дунёда тана савдоси оқимининг тобора кўпроқ айни шу давлатлар томон нишаб олаётгани ҳам диннинг чинакам қадрият сифатида қаерда кўпроқ камол топаётганини кўрсатмайдими?..

Ўзбекистон ўз ҳудудида дунёвий, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш истаги билан ҳаракат қилаётганини айтдик. Айни пайтда, демократия тушунчаси халқнинг мингйиллик илдизга эга маданий-маърифий қарашларига, миллий қадриятларига қарши қўйилиши ҳам асло мумкин эмас. Зеро, халқимиз демократик қадриятларни турмуш тарзини янада бойитишга ундовчи, эркин ва мустақил фикрловчи шахсларни, авлодларни тарбиялашга кўмаклашувчи омил бўлгани учун ҳам ҳурмат қилади.

Яқинда Интернет саҳифаларида ўқиган кишини титроққа солувчи бир факт эълон қилинди. Тақдирнинг ҳазилими, аччиқ қаҳқаҳасими, нима бўлмасин, 18 асрда яшаган машҳур инглиз гуманист шоири лорд Лонгфеллонинг отдоши бўлмиш бир кас кўчадан топган маъшуқаси билан қилаётган ишратига халақит бергани учун ўз онасини юқори қаватдан ташлаб юборибди. Ҳайратланарли ва афсусланарли жиҳати шундаки, ғарб матбуоти бу ҳодисани Лондондаги уй-жой масаласи танглиги билан изоҳлашга уринмоқда.

Бу ҳолни кузатарканмиз, беихтиёр шоир Лонгфеллонинг

***Дилингда сап-сариқ***
***чаён, кетяпсан,***
***Иблиснинг зурёди,***
***қаён кетяпсан?..*** —

деган мисралари ёдга тушади.

Яратганга шукрки, бизнинг халқимиз асрлар давомида инсонпарварлик, бағрикенглик, турли маданиятлар ва динларга эҳтиром кўрсатиш ва шахсга ҳурмат сингари гуманистик ғояларни ҳаётнинг табиий мезони деб билган. Фарзандга, оилага, жамиятга муносабатида мана шу қадриятларни устувор қўйган кишилар элнинг назарига тушган. Юрт оқсоқолларининг кўпчилик иштирокида очиқ сайлангани, меҳнат тақсимотида аёлларнинг жисмоний ва руҳий имкониятлари ҳисобга олингани, бир боланинг маънавий камолига етти маҳалла ўзини масъул деб билгани, каттага ҳурмат ва кичикка иззат кўрсатиш миллат турмушининг ажралмас талаби ҳисоблангани бизнинг халқимиз менталитети айнан гуманистик, демократик дунёқараш талабларига мос эканининг яққол исботидир. Худди шу омиллар сабаб халқимиздан миллатчилик, ирқчилик, буюк давлатчилик шовинизми сингари вайронкор ғоялар чиқмаган, турли «изм»лар билан аталиб, миллионлаб инсон болаларининг азиз ҳаётига зомин бўлган, мингйиллик маданий обидаларни ер билан яксон қилган урушлар оловини ёққан мафкуралар диёримизда илдиз отмаган. Ўзбекистон тўғрисида, унинг халқи ҳақида фикр билдиришни истаган ҳар қандай киши бу ҳақиқатларни ёддан чиқармаса, адолат ва холисликка хиёнат қилмаса деймиз.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси сифатида бизнинг республикамиз барча нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, дунёнинг турли нуқталарида юзага келаётган сиёсий, ҳарбий, ижтимоий зиддиятлар, фалокат ва ихтилофларни бартараф этиш, кўмакка муҳтож халқларга гуманитар ёрдам кўрсатишда тобора фаол иштирок этишни ўзининг бурчи деб билади. Зеро, биз геостратегик жиҳатдан бир қанча йирик давлатлар манфаатлари тўқнаш келган минтақада жойлашганимиз, мазкур омил ташқи сиёсат соҳасида чуқур мушоҳадага асосланган, бугун ва эртанигина эмас, узоқ келажакни ҳам ўйлаб фаолият юритишни тақазо этишини яхши англаймиз. Шу билан бирга Ўзбекистон ҳар қанча йирик бўлмасин, бирор-бир давлат манфаатлари ўз манфаатлари ҳисобидан қондирилишига асло йўл бермоқчи эмас.

Президентимиз Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, тенг муносабатларни бундан буён ҳам фаол давом эттиргани ҳолда, мустақил ҳаётимизга аралашишларига, бундан кейин қайси йўлдан кетишимизни белгилаб беришларига, бизга раҳнамолик қилишларига ҳеч қачон йўл қўйилмаслигини такрор-такрор уқтирмоқда. Чунки миллатимиз юксак тарихий маданияти ва ибратли турмуш тарзи билан, ўзига хос диний-маърифий қарашлари ва одоб-ахлоқи билан қатор халқларга устозлик қилган бўлса қилганки, бировнинг ортидан кўр-кўрона эргашмаган. Шу туфайли ҳам биз асрлар оша тарих тегирмонидан бутун ва соғ-омон чиққан халқмиз. Бу тарихий ҳақиқатни фақат биз эмас, балки жаҳон тан олган етук олимлар ҳам бир овоздан эътироф этмоқда.

Халқимизнинг мақсади – ота-боболаримиз асрлар давомида ҳаёт талотумларидан омон олиб ўтган ва бизга бебаҳо мерос сифатида қолдирган маънавий-маърифий қадриятларимизни асрабавайлаш, уларни замонга мос ҳолда ривожлантириш ҳамда келажак авлодга безавол етказишдир. Ҳеч кимга сир эмаски, ўз турмуш тарзини бутун дунёга универсал яшаш қоидаси сифатида тиқиштирмоқчи бўлган кучлар биринчи навбатда айнан шу қадриятларимизни кучсизлантиришга, миллатимизни қиёфасидан айиришга, уни қандайдир дурагай оммага айлантиришга зўр бериб уринмоқда. Улар, Ўзбекистонни иқтисодий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан кучсизлантиришга бўлган ҳаракатлар натижа бермагани боис, асосий эътиборни айни шу ўта нозик соҳага қаратмоқдалар. Чунки бирор бир халқни қул қилиш, истаган кўйга солиш учун унинг руҳиятини ўзгартириш, эътиқодига путур етказиш, қадриятлар тизимини бузиб ташлаш кифоядир.

Юртбошимиз айтганидек, маънавиятга ҳужум миллат ва унинг келажагига қилинган тажовуз эканини қанчалик тез ва чуқур англасак, дунё саҳнасида ўзбек деган халқнинг мавқеи мустаҳкам сақланишини кафолатлаган бўламиз. Бунинг учун эса ҳар бир юртдошимиз маҳаллийчилик, таъмагирлик, тўрачилик, маиший майдакашлик сингари миллатни заволга етаклайдиган худбин ва аянчли қарашлардан воз кечиши, бугун гап фақат ўзининг эмас, балки келажак наслларнинг тақдири устида бораётганини чуқур англамоғи талаб этилади. Шу юрт, шу Ватан келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир киши унинг ташвишларидан ўзини четга олмаслиги, ўз қиёфасида миллатнинг бир бўлаги яшаётганини англамоғи, келажак биноси қурилишига у ҳам масъул эканини ҳис қилмоғи лозим. Зеро, миллат ва мамлакатнинг келажаги ҳал бўлаётган бугунги давр тақдиримизда ниҳоятда масъулиятли палла эканини, бизнинг эртанги қиёфамиз, жаҳон халқлари орасидаги мавқеимиз қандай бўлиши бугунги фаолиятимизга бевосита боғлиқлигини англаб, бу йўлда белни маҳкам тортиб боғлаш барчамизнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиз ҳисобланади.

* * *

Бизнинг бу мақсадларимиз асло миллий маҳдудликни, дунё тараққиётидан ажралиб ўз қобиғига ўралиб олишни, кимларгадир аччиқ қилиб тўнни тескари кийишни англатмаслиги ҳаммага тушунарли бўлса керак. Ўзбек халқи бир нарсани – ўз тақдирини ҳал этиш масаласини ўзига қўйиб беришларини, бу заминда қандай жамият, қандай ҳаёт барпо этиш ҳуқуқи фақат унга тегишли эканини барчанинг тан олишини истайди. Иншооллоҳ, биз қуришни бошлаган давлат фуқаролари фаровон ва эркин ҳаёт кечирадиган, инсон деган зотнинг барча эзгу истаклари рўёбга чиқиши таъминланадиган, ўз мамлакати ва миллати номини юксак ғурур-ифтихор билан айта оладиган авлод тарбияланадиган жамият бўлажак.

Буни комил ишонч билан айтишимизга асослар кўп. Чунки, юқорида таъкидланганидек, ўтган ўн беш йил давомида юртимизга кўз олайтирганлар ҳам, уни иқтисодий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан яккалаб қўйишга уринганлар ҳам, юрт тинчлиги ва барқарорлигини издан чиқариб, бу ўлкада биродаркушлик урушлари оловини ёқмоқчи бўлганлар ҳам кўплаб топилди. Бу ёвуз ниятларнинг барчасига Ўзбекистон Президенти ўзининг мардлиги, жасурлиги, қатъияти билан оқилона зарба берди, Ватанимизни парокандаликдан, бошқаларга қарамликдан, янгича шаклдаги қулликдан асраб қолди. Метин иродали бу мустақил сиёсатчи дунёдаги маманман деган юҳоларни ҳам ўзи билан ҳисоблашишга, Ўзбекистон манфаатларини ҳурмат қилишга мажбур этди. Ҳолбуки, айрим "чилги демократ"ларнинг мамлакати ва миллати тақдири ҳал бўлаётган қалтис паллаларда, кўчага тош кўтариб чиққан бир тўда безорилардан чўчиб ўзининг ширин жонини қутқариш илинжида ҳокимият тизгинини ҳавога ташлаб кетганини ҳам ёки бошқа бир раҳбарнинг мамлакати оммавий ахборот воситаларини туну кун ўз шахсини мадҳ этиб илоҳийлаштиришга, қадимги султонлар саройидагидек амалда йўқ ютуқларни ҳамду сано-ла такрорлашга мажбур қилаётганини ҳам бу дунё кўриб-билиб, баҳолаб турибди.

Тан олиб айтайликки, моддий-маиший ва маданий-маънавий ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларга, юртимиз кенгликларида қад ростлаётган, бири биридан файзли юзлаб-минглаб иншоотларга худди ўз-ўзидан бўладиган ишлардек кўзимиз ўрганиб қолди. Ҳолбуки, бу бунёдкорлик ортида Ватанини озод ва обод қилиш ниятида яшаётган буюк Бунёдкорнинг улкан ўй-режалари, ҳаловатсиз ҳаёти, халқига беқиёс меҳру муҳаббати турибди.

* * *

Халқимиз "Бўлар бола ўн бешида бош бўлади, бўлмас бола қирқида ҳам ёш бўлади" дейди. Ўн беш ёшли йигитча белига белбоғни маҳкам боғлаб кураш даврасига тушар экан, унинг ўтли кўзларидаги шижоат, ғайрат ва ҳафсала унча-мунча одамни сергак торттиради. Тарихнинг ва ўз тақдирининг бурилиш нуқтасида турган ўзбек халқи ҳам худди шу тахлит дунё саҳнасидаги катта, масъулиятли курашларга чоғланган. Миллат, ўзининг дов етакчиси айтганидек, бу майдонда белини маҳкам боғлаб, елкама-елка туриши, бошланган улуғ ишларда камарбаста бўлиши, буюк мақсадлар йўлида яна-да жипсроқ бирлашмоғи лозим. Шунда юртнинг биринчи Президенти — миллат отасининг эзгу хитоби ижобат бўлажак:

***"Токи, юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи, биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боғ-роғларимиз қолсин, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи, биздан олис авлодларга озод ва обод Ватан қолсин".***

**Раҳмон ҚЎЧҚОР,**
**Иқбол МИРЗО.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ҚИСҚА МУДДАТЛИ
ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИ "РАҒБАТ" ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

*Сақлаш муддати – 20 кун.*

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ 2006 ЙИЛ 15 АВГУСТДАН
5 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

*Омонатга қўйиладиган энг кам сумма – 500.000 сўм.*

**Прогрессив фоиз ставкаси ҳажми:**
**- биринчи 10 кунда – йиллик 15%;**
**- иккинчи 10 кунда – йиллик 30%.**

**Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.**

Биз ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширувчиларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб биламиз!

**Қўшимча ахборотни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар қандай бўлим/филиалидан олиш мумкин.**
**www.nbu.com**

«KAPITAL SUG`URTA» ОАЖ



Юртимиз аҳолисини буюк мақсадлар сари дадил қадам ташлаб бораётган мустақил Ўзбекистонимизнинг

**15 йиллик**

муборак тўйи билан самимий қутлайди!

*Бахт-саодат, ривож ва осойишталик, қувонч, сиҳат ва саломатлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин!*

*Ўзбекистонимиз равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!*

**Тошкент ш., Махатма Ганди к., 44-уй.**
**Тел.: 132-02-02, 132-02-22, 132-02-33.**

*Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!*

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Азиз юртдошлар!

«Асака» банки

барчангизни Ватанимиз

Мустақиллигининг 15 йиллиги

билан табриклайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, эзгу ишларингизда янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.

Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингиздан файзу-барака аримасин!

UzGazOil

ХОРИЖИЙ ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистоннинг барча аҳолисини энг улуғ, энг азиз байрам —

Мустақилликнинг 15 йиллиги билан муборакбод этади!



Барчага тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт-саодат, фаровонлик ва омад, Ўзбекистоннинг равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайди!

Азиз юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ —

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

Сизни

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги

билан муборакбод этади!

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки кичик бизнес билан шуғулланаётганларга бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача:**

- *юридик шахс мақомига эга бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравaригача миқдорда;*
- *юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравaригача миқдорда;*
- *фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 200 баравaригача миқдорда микрокредитлар ажратади.*

Микрокредитлар кичик бизнес субъектларига бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича) энг кам иш ҳақининг 500 баравaригача миқдорда 24 ой муддатга берилади.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес субъектлари учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам иш ҳақининг 2000 баравaригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатади.



Шунингдек, бутун республикамиз ҳудудларидаги филиалларимиз томонидан аҳолига барча турдаги банк хизматлари кўрсатилади.

**Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами муносабати билан «Микрокредитбанк» ўзининг қуйидаги янги омонат турини таклиф қилади:**

**«Шодиёна»** номли бу янги омонат уч ой муддатли бўлиб, йиллик фоиз миқдори **24 фоиз**ни ташкил этади. Ушбу омонат бўйича фоизлар мижознинг хоҳишига кўра, ҳар ойда тўлаб борилади.

**Омонатга қўйган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

**Омонатингизни авайлаб-асраймиз ва кўпайтирамиз.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-28-11, 173-28-12, 173-05-79.**

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ





# ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ

## *Гулистон нефть базаси унитар корхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди*

Ўтган ҳафта Сирдарёда катта тантана бўлиб ўтди: карнай-сурнай садолари остида Гулистон нефть базаси унитар корхонасининг янги жойда бунёд этилган иншоотларини фойдаланишга топшириш — очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бир қараганда, шунга ҳам шунча дабдабами, деган фикрга бориш мумкин. Бироқ, масаланинг моҳиятига чуқурроқ қаралса, бу вилоят миқёсида катта аҳамиятли воқеа эканлигига шоҳид бўламиз. Хусусан, мазкур корхона бу ерга ўрнатилган янги техника-технологиялар, замонавий компьютер аппаратлари орқали қулай ва ишончли бошқарув тизими бўйича Ўзбекистонда ягона. Илгариги нефтебаза Гулистон шаҳрининг ҳудудида — аҳоли зич яшайдиган манзилда жойлашган ва бу хавф туғдирар эди, бунинг устига, вилоят қишлоқ хўжалигини елкалаб турган минглаб фермерлар ёнилғи-мойлаш материалларини олиш учун шаҳарга бориб-келишига тўғри келарди. Янги корхона шаҳардан роса 15 чақирим ташқарида, фермерларга яқинлашган ҳудудда — «Оқолтиндон» корхонасининг ёнбошида жойлашган. Яъни, қулай, ишончли ва замонавий.

Тантанали маросимни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Ашурматов кириш сўзи билан очаркан, вилоятдаги бу улкан воқеа Президентимизнинг халқ манфаатини юксалтириш, одамлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фермерларга қулай шарт-шароитлар яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг яна бир ёрқин далили эканини таъкидлади. Бу иншоотнинг Истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши эса энг улуғ ва энг азиз байрамга муносиб тўёнадир.

Тантанада сўзга чиққан «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниясининг раиси А. Азизов сирдарёликларни Мустақиллик байрами ва ушбу янги иншоот билан табриклаб, энг замонавий технологияга асосланган ушбу корхонанинг қулайликлари, аҳамияти, фермерларга самарали хизмат кўрсатиши билан бирга вилоят иқтисодий салоҳиятини оширишга ҳам салмоқли ҳисса қўшиши ҳақида гапирди, янги нефтебаза жамоаси халқнинг хизматини беминнат уддалайдиган виждонан, ҳалол меҳнат қилажагига истак ва ишонч билдирди.

— Бугунга келиб бирорта фермер ёнилғи оламан деб илгаригидай зир югуриб юргани йўқ, — деди вилоят «Маҳалла» жамғармасининг раиси Ш. Мирзаев, — бунинг учун аввало фермерларнинг бошини силаётган Юртбошимизга раҳмат, қолаверса, давлат раҳбарининг йўлйўриқларини оғишмай бажариб халқ фаровонлигини ошириш учун мана бундай корхоналарни қуриб топшираётган кишиларимизга раҳмат! Вилоятимизда бу йил пилла, ғалла режалари бажарилди, худо хоҳласа пахта ҳам бажарилади. Бу янги иншоот деҳқончилигимизга барака киритишга хизмат қилишига ишонамиз!

Шундан сўнг илғор қурувчиларни, мутахассисларни тақдирлаш маросими бўлди. Янги нефть базасини бунёд этишда фидокорона меҳнат қилган бир неча қурилиш ташкилотларининг ўнлаб ишчи-хизматчилари қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Янги иншоот бўйлаб қисқа экскурсия тантана иштирокчиларида катта таассурот қолдирди: кираверишда катта ҳудудда бўй чўзиб улгурган кўплаб арча кўчатлари, манзарали ва мевали дарахтлар, дид билан қурилган шинам йўлаклар, икки қаватли кўркам маъмурий бино, ичкарида эса жами 21,5 минг тонна ёнилғи сақлаш қувватига эга улкан ўнлаб оппоқ цистерналар, юк машиналари учун саришта кириш-чиқиш йўлаклари — булар барчаси ҳақиқатан ҳам «замонавий корхона» тушунчасини тасдиқлаб турарди. Айниқса, товушсиз совутгичлар ишлаб турган пульт бошқарувли хонада кўпроқ тўхтаб қолиниб, бу ердаги компьютерларнинг қандай вазифаларни бажариши қизиқиш уйғотди: энди улкан сиғимлардаги ёнилғи қанча қолганини ўлчаш учун илгаригидай нарвон орқали унинг тепасига чиқиб узу-ун «метр-шток» билан ўлчашга зарурат йўқ, бу ишни хонадаги мана шу компьютер уддалайди, бундан ташқари, ёнилғи бўйича барча ўлчов-назорат шу компьютерлар орқали бажарилади ва бу ҳисоб-китобни ҳатто Тошкентдаги бош идорада ўтирганлар ҳам кўриб назорат қилиб туриш имкониятига эга. Компания раиси Абдусалом Абдумавлонович танишувдан хулоса тариқасида ўғирликка йўл қўймаслик учун назорат тизимини янада такомиллаштириш, фермерларга қулайликни янада кенгайтириш бўйича маслаҳат ва топшириқлар берди.

Мижозларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ўтирадиган хонанинг ягона-яхлитлиги ҳам эътиборга лойиқ: бир неча дарчали узун ойна ортида бош ҳисобчи, ҳуқуқшунос, ҳисобчи ва бошқалар қатор ўтиришади. Мижоз биттагина имзо қўйдириш учун хонама-хона кириб, керакли ходимни ахтариб юрмайди, қулфлоқ хона олдида соатлаб кутиб турмайди, қолаверса, ҳамма иш ҳамманинг кўз ўнгида...

Сирдарёда шунақа корхона фойдаланишга топширилди.

**А. АЛИМОВ.** t

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

# ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

**«Ўзбекистон овози» 29 август.**
**Дилшод Мансуров, эркин кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони «Мустақиллик менинг тақдиримда»:**

«Мен Ўзбекистон номидан курашга чиққан эдим. Ғалаба қилдим. Ўзбек номи жаҳон узра таралди. Ватаним мустақил бўлмаганида шунчалик ғурурга тўлмасдим. Балки, чемпион ҳам бўлолмасдим. Чунки, мен халқаро майдонларда кураш тушаётганимда Ўзбек номи, унинг озод халқи ғурури белимга қувват, билагимга куч бўлади».

**«Фидокор» 29 август. Мусаллам Умирова «Муқаддас айём ўйлари»:**

« — Ҳа, болам, отам айтган Ҳуррият замони келди, дея лабларини тишлаб бошларини сарак-сарак этганча сўзларида давом этди бобом. — Э, қизим, бундай фаровон кунларнинг қадрига етиш, эъзозлаш керак. Ватанга сидқидилдан меҳр қўйиш, уни кўз қорачиғидек асрашда кўп ҳикмат бор».

**«Ишонч» 29 август. Л.Ҳасанова «Ўз лавозимларига тикландилар»:**

«Табиийки, иш берувчилар томонидан йўл қўйилган қонунбузилишлар аниқлангач, ходимлар аввал эгаллаб келган лавозимларига тикланишди. Беихтиёр савол туғилади: энди улар эмин-эркин ишлаб кета оладиларми, қонуний меҳнат ҳуқуқлари тикланган ходимларга қандай шарт-шароит яратиб берилади? Афсуски, бундай ходимларнинг ҳимоя механизми қонунчиликда кўзда тутилмаган, худди шунинг учун ўзларининг қонуний ҳуқуқлари тикланганлигидан маънавий қониқиш олган ходимларнинг аксарияти барибир, кейинчалик ишдан бўшаб кетишади».

**«Ўзбекистон футболи» 29 август. «Миллий терма жамоаси таркибида ўзгариш»:**

«Натижадан қониқмаган футболимиз раҳбарлари бир вақтнинг ўзида параллел равишда ҳам миллий термада, ҳам «Пахтакор»да иш олиб борган Валерий Непомнящийни «Пахтакор»дан озод қилишди. Бу эса қайсидир маънода тажрибали мураббийга қўл келиши мумкин. Сабаби, федерациямизнинг тутган бу йўли Непомнящий учун эркинлик туғдириши аниқ».


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази
Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежи
2006-2007 ўқув йили учун

умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган йигит-қизларни ўқишга қабул қилади.

Коллежда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади:

1. БУХГАЛТЕРЛИК ИШИ.
2. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕХАНИЗАЦИЯСИ («В» ВА «С» ТОИФАЛИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ БЕРИЛАДИ).
3. АВТОТРАНСПОРТНИ ИШЛАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШ («В» ВА «С» ТОИФАЛИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ БЕРИЛАДИ).
4. МОЛИЯ.
5. ВЕТЕРИНАРИЯ.
6. ҲУҚУҚИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ.
7. АРХИВ ИШИ ВА ИШ ЮРИТИШ.

*Машғулотлар ўзбек ва қозоқ тилларида олиб борилади. Ўқиш муддати — 3 йил.*

**Ўқишга кирувчилар коллеж консультатив марказ гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:**

- таълим муассасаси раҳбари номига ёзилган белгиланган шаклдаги ариза;
- маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
- ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномаси;
- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

*Аризаларни қабул қилиш давом этади.*

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қишлоғи. Коллежга метронинг "Буюк ипак йўли" бекатидан 101-автобусида ҳамда «ТТЗ» бозоридан 512-йўналишли таксида «Агротижорат коллежи» бекатигача борилади.
МЎЛЖАЛ: "Ботаника" санаторийси ёки ЎзПИТИ.
3153Н/1602



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



O'ZSANOATQURILISHBANK

1991-2006



«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси барча юртдошларимизни республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги билан табриклайди ва байрам туҳфаси сифатида «Шодиёна» деб номланган муддатли омонатдан фойдаланишни таклиф қилади.

Омонатга:

- 3 ой муддатга энг камида 100 000 сўм қўйилади;
- йиллик 24 фоиз ҳисобидан даромад тўланади;
- маблағлар шу йилнинг 31 августигача қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 120-45-24, 136-06-54.

www.uzpsb.uz




# ВАТАН ОЗОДЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ!

## Шоирлари битади ғазал



### Мустақиллик қасидаси



*Мустақиллик — бу ҳуррият,*
*бу — озодлик демакдир,*
*Бу — элу юрт осойиши,*
*бу — ободлик демакдир.*

*Истибдоднинг заҳмин чеккан*
*ўзбек учун бу байрам,*
*Энг улуғу, энг азизу*
*буюк шодлик демакдир.*

*Бу — муқаддас бир байрамдир,*
*таворихда тенги йўқ,*
*Истиқлолнинг қасрига бу —*
*бир бунёдкорлик демакдир.*

*Амир Темур замонидан*
*ўтиб қанча давронлар,*
*Яна қайтдик аслимизга,*
*бу — аждодлик демакдир.*

*Биз йўқотган эркимизга*
*мушарраф бўлдик, яна,*
*Иншооллоҳ, бу улуғ бахт,*
*ҳур авлодлик демакдир.*

*Икки улуғ ҳайит бизга*
*азиз эди азалдан,*
*Мустақиллик ийди азиз,*
*умрбодлик демакдир.*

*Ҳурриятнинг қадрин билур*
*қул бўлиб ўсган киши,*
*Бизлар энди қул эмасмиз,*
*ҳур нажотлик демакдир.*

*Инсон зоти туғилганда*
*қуллик учун туғилмас,*
*Эркинликда яшаш азал*
*одамзодлик демакдир.*

*Жумла жаҳон ичра биз ҳам*
*бир донишманд миллатмиз,*
*Билинг қадру қимматингиз,*
*руҳ ободлик демакдир.*

*Буюк Ватан жабҳасида*
*барча бўлсин фидойи,*
*Истиқлолни асранг, дўстлар,*
*бу — фидолик демакдир.*

*Кимнинг бўлса иймони пок —*
*билур Ватан қадрини,*
*Ҳурриятга жони фидо*
*эътиқодлик демакдир.*

*Элнинг азиз фарзандлари*
*буюк бўлган Ватанда,*
*Асли тоза бир улусмиз,*
*бу — покзотлик демакдир.*

*Озод Ватан — обод Ватан,*
*жаннатда ҳам топилмас,*
*Ватан хокин суринг кўзга,*
*бу — рўшнолик демакдир.*

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

### Ўргилай



*Мустақил ўзбек элим, ўн беш ёшингдан ўргилай,*
*Пешона теринг ила топган ошингдан ўргилай.*

*Боғу бўстонлиқ чиройингдан жаҳон ҳайратдадир,*
*Олтину гавҳар мисол ҳар бир тошингдан ўргилай.*

*Бошинг узра, эй диёр, Ою Қуёш парвонадир,*
*Қадду қомат, нурли сиймо, кўз-қошингдан ўргилай.*

*Неча даврон, неча юз йилларга юз очдинг бугун,*
*Кипригингда қалқиган шодлик ёшингдан ўргилай.*

*Олам ичра мўътабар, Оллоҳ назар солган диёр,*
*Ўзбекистон, мустақил, норғул ёшингдан ўргилай.*

**Жуманиёз ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

### Бу кунлар

*Йиллар ўтиб — шу буюк элда*
*Ўз баҳосин олар бу кунлар.*
*Ҳурман деган ҳар битта дилда*
*Ажаб созин чалар бу кунлар!*

*Шафақ ёнар уфқда ял-ял,*
*Биз тонгларни кутамиз маҳтал.*
*Энг ёруғ тонг — Истиқлол, аввал*
*Сени ёдга солар бу кунлар!*

*Қайтмас энди қуллик, ҳасрат, оҳ,*
*Элим, бунга ўзингсан гувоҳ,*
*Юрт сурурин кўрибми, гоҳ-гоҳ*
*Ҳаяжондан толар бу кунлар!*

*Набиралар кўзида ҳавас,*
*Энтикарлар эслаб бир нафас...*
*Бизлар учун шунинг ўзи бас,*
*Тарих бўлиб қолар бу кунлар!*

**Мирпўлат МИРЗО.**



## Муқояса

Даврада гап айланиб, эл кезиш-у юрт соғинчларига келиб тақалди. Таниқли тележурналистларимиздан бири хизмат сафари билан Германияда бўлгани ва немисларнинг ўзга юрт вакилларига бўлган муносабатларидан ажабланганини сўзлаб берди




# Юрт соғинчи

— Биз қучоқ очиб кутиб олган, бош устига қўйиб, меҳмон қилган хорижлик танишларимиз ўз юртларида бизни бутунлай бошқача тарзда кутиб олдилар, — деди у. — Уларнинг қай бирлари узоқдан қўл кўтариб саломлашгандай бўлишса, баъзилари бизни энди биринчи бор кўриб тургандек қаршиларди.

Бизни ўз уйига таклиф этиб, меҳмон қилган ягона мезбон эса бир қултум қаҳва билан сийлади, холос.

— Инсонни юксак қадрлаб, меҳмоннинг иззатини жойига қўйишда бизнинг ҳамюртларимизга тенг келадиган биронта халқ дунёда бўлмаса керак, — дея хулоса қилди ҳамкасбимиз. — Тез кундаёқ юртни соғиниб, тезроқ қайтишга шошилдик.

Биз барчамиз бу фикрларга тўла-тўкис қўшилдик. Тўғри, ўша мамлакатлар иқтисодий ривожланган, халқи нисбатан бой-бадавлат. Аммо биздаги инсонгарчилик, қадр-қиммат, меҳроқибат у томонларда танқис, ноёб.

Бўкалик Турсунбой аканинг ҳикоясини эшитгач, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Ошқозоним оғриб, кўп жойларга даволанишга бордим, — дейди у киши. — Охирги марта Қримга боришга тўғри келди. Муолажалардан кейин, соғломлаштириш масканини, яқин атрофдаги бозорни томоша қиламан.

Бир куни яна бозор айланиб юрувдим, елкамга бир залворли қўл келиб тушди. Юрагим «шув» этиб кетса ҳам (ҳар қалай бегона юрт-да) ўзимни босиб, хотиржамдек ортимга ўгирилдим. Не кўз билан кўрайки, барваста жуссали, соябонли кенг шляпа кийган, мўйловдор бир киши менга кулиб қараб турарди. Бир зум не хаёлларга бормадим дейсиз.

У эса ўзбек тилида: «Ассалому алайкум, ака!» деди жилмайиб.

Шу биргина каломни эшитибоқ қалбим яйраб кетди.

— Мен сизни хув анови жойдан (у кун чиқиш томондаги баландликка жойлашган ҳашаматли иморатлар томонга ишора қилди) кўриб қолдим. Аниқроғи, бошдаги дўппингиз сизни ҳаммадан ажратиб турарди, — деди у мамнун жилмайиб. — Ўша жойдан ортингиздан келаяпман.

У билан танишдик. Танишимнинг исми Сервер, ўзбекчасига Сарвар экан.

Маълум бўлдики, Сарвар Ўзбекистонда, Оққўрғон туманида туғилган экан. Ўша жойда униб ўсиб, улғайгач, Қримга — қариндош-уруғлари ёнига кўчиб кетмоқчи бўлибди. Аммо у пайтларда бундай ишлар осонликча ҳал бўлмас, тўғрироғи, бунга рухсат ҳам йўқ экан. Сарвар ўзини ҳар ёққа уриб, охири ўша пайтлар Меҳнат Қаҳрамони бўлган машҳур миллатдоши кўмаги билан паспортини ўзгартириб миллатини ўзбек, исм-шарифини ўзбекча қилиб, Қримга рухсат олган экан.

Эртасига тушга яқин ҳамхонамни ҳам олиб Сарварларникига бордик. У келин билан бизни кутиб ўтирган экан. Мириқиб гурунглашдик.

Қайтар чоғимда Сарвар менга совға-саломлар билан бирга, Оққўрғондаги таниш-билишлари манзиллари ёзилган қоғозни ҳам берди.

— Илтимос, Турсунбой ака, уларга менинг соғинчли саломимни етказиб қўйсангиз, — дея астойдил илтимос қилди. — Уларни, Ўзбекистонни жуда ҳам соғиндим.

Биз хат ёзишиб, телефонлашиб туришга, имкони бўлганда эса дийдорлашишга келишиб, хайрлашдик.

Турсунбой аканинг ҳикоясини тинглай туриб, дилимдан бир фикр ўтди: инсон бу дунёда ҳамма нарсага тўяди. Ҳамма нарсага. Фақат меҳр-муҳаббатга ва Ватан меҳрига тўймайди. Қаерга бормасин, уни қўмсаб соғинаверади.

**Маъмур БОЗОР АЛИ.**

*Айнда сўз*

*Ҳар гул ўз бутасида азиз*

## Ёшлар марафони

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган марафон қатнашчилари Қашқадарё вилоятида кўплаб қизиқарли учрашувлар ўтказдилар.

«Ватанни севмоқ иймондандир» шиори остида ўтаётган бу марафон мамлакатимизнинг барча вилоятларини қамраб олади. Унинг таркибида адабиёт, маданият, санъат арбоблари, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, таниқли спортчилар бор.

Улар вилоятдаги тадбирларни Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарликнинг бориши билан танишишдан бошладилар. Қарши туманидаги учрашувлар айниқса, қизиқарли ўтди. Ёшлар таниқли олим, «Амир Темур илмий экспедицияси»нинг раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаевнинг суҳбатини, шоир Бобур Бобомуродовнинг шеърларини, республика қўғирчоқ театрининг актёри Умиджон Дадажоновнинг чиқишларини мириқиб тингладилар. Қарши сержантлар тайёрлаш мактабидаги учрашув эса чинакам ватанпарварлик анжуманига айланди.

Бундай учрашувлар Яккабоғ туманидаги Чойдори қишлоғида, Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой-тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасида ҳам бўлиб ўтди.

**Б.НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Шукрона

Ҳар тонг ойнаи жаҳон орқали қалбларни чексиз ғурур ва ширин ҳаяжонга тўлдириб ажиб бир қўшиқ янграйди. Бу Ўзбекистондек буюк ва қудратли давлатнинг мадҳиясидир. Унинг сеҳрига маст бўлиб хаёлан олтин водийларни кезаман. «Оламни маҳлиё айлаган» диёрга бўлган меҳру муҳаббатим янада ортади. Бор овозим билан «Мен Ўзбекистон фарзандиман!» дея ҳайқиргим, дунёга жар солгим келади. Озодликнинг тотли нашидасини туйган кўнглимдан беихтиёр турли саволлар кечади! Нечун бу кунларга жуда кеч эришдик? Етмиш йил ўзлигимизни билмай яшашимиз боиси не эди? Нега ўз эркимизни ўзгалар қўлига топшириб қўйгандик?

# Ғурур ва қадр

*Дарҳақиқат, анча замонлар тили бошқа, дили бошқа бўлиб яшадик. Бугунги нурафшон кунлардан умидворлик қалбларимиз тубида ётган чўғ эди. Мустақиллик шамоли ана шу чўғни аланга олдирди.*

*Орамизда шўролар замонаси заҳматидан озор чеккан инсонлар талайгина. Улардан бири кўпни кўрган опахон, собиқ партия туман кенгаши котибаси билан суҳбатлашдим.*

*— Эҳ, қизим-а! — ҳўрсинади у. — У кунларни эсласам, кўзларимга ёш келади. Сизга бир-икки воқеани айтиб бера қолай. 1985 йил эди, адашмасам, мафкура марказидан вакил келиб ҳудудларни айланиб чиқди. Йўл бўйидаги чойхонага кирди. Чойхонани Эгамберди исмли киши бошқарарди. Эгамберди исмини эшитган вакилнинг ранги оқарди, русчалаб жавраб кетди ва қўлини бигиз қилиб чойхоначига ўқрайди: — Сиз, исмингизни ўзгартиринг! Тушунарлими?! — Чойхоначи қўлини кўксига қўйиб «хўп-хўп» деб қутулди.*

*— Яна бир гап, — ўйлаади суҳбатдошим. — Бир маҳалла қабристони хонақосида бир салла ва жойнамоз осиғлиқ турарди. Ана шу туфайли марказ вакили туман партия қўмитасига масаламни қўйди. Ҳайфсан олдим. Ўз вазифамга совуққонлик билан қараб, эскилик сарқитларини тарғиб қилаётган эмишман.*

*Бугунги мафкурамизга дунё ҳавас қилса арзийди. Ўзининг мазмун-моҳияти билан Ўзбекистон халқи манфаатларини кўзловчи миллий истиқлол ғоясига эга бўлдик. Бу ғоя инсонда ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш, ор-номус каби қадриятларни уйғотди. Миллий ғурури йўқ миллат ҳеч қачон қадр топмайди. Бизнинг юртимиз жаҳонга юзлаб олимлар, улуғ зотлар ва давлат арбобларини етказиб берган буюк бешикдир. Мустақиллик туфайли она тарихимизга чин кўз билан қарай бошладик, ҳақиқатни англадик.*

*...Яна бир тонг отди. Оппоқ беғубор тонг... Дарвозани очиб, яхши ниятлар қиларканман, қўшни келиннинг кўчага сув сепиб, супураётганига кўзим тушди. Сув сепилган тупроқдан таралган ифордан кўнглим тоғдек кўтарилди...*

*Беихтиёр қўлимга яна қоғозу қалам олдим. Ҳа, улкан бунёдкорликлар мамлакатига айланган, гулу гулзорларга бурканган юртимиз жамолини кўриб кўзларингиз қамашади. Кўксимизга тўлган ҳурлик ҳавосидан танларимиз яйраб, тилларимизда қўшиқ жаранглайди. Озод ва обод Ватанга чексиз муҳаббат билан тўлиб тошган қалбларимиздан шукроналик сатрлари отилиб чиқади.*



*Олтин тупроғингда бўлганда бунёд,*
*Шукрона айтармиш ҳар битта гиёҳ.*
*Жаннатдай бағрингда яшаб умрбод*
*— Бахтсизман, — деганлар бўлсинлар гумроҳ.*

**Барно ШЕРАЛИ қизи,**
**журналист, Балиқчи тумани.**




### Яхшиликка яхшилик қилиш ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким моддий жиҳатдан бировга яхшилик қилса, унга ҳам яхшилик қайтарилсин. Яхшилик қилишга қурби келмаса, у кишини ғойибона мақтасин, чунки мақташ ташаккур ўрнида ўтади. Аммо у кишининг яхшилигини яширса, ундан тонган, яхшиликни билмагандек бўлади. Ким ўзида йўқ нарсани менда фалон нарса бор деб мақтанса, икки қават кийим билан ўралган ҳисобланади", дедилар".

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким Аллоҳ таолонинг паноҳига сиғиниб сизлардан ёрдам сўраса, унга ёрдам қилинг. Аллоҳни восита қилиб бирор нарса сўраса, сўраган нарсасини беринг. Биров сизга моддий яхшилик қилса, яхшилигини қайтаринг! Агар уни қайтаришга қодир бўлмасангиз, у киши ҳақига дуо қилинг, токи у одам қилган яхшилиги бекорга кетмаганини билсин", дедилар".

### Дунёда яхшилик қилганлар охиратда мукофотга эга бўладилар

Қўбайса ибн Бурма Асадий (р.а.) айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида эдим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу дунёда яхшилик қилган кишилар охиратда яхшиликка эришадилар ва шариатда ёмонлик деб саналган ишларни қилувчилар охиратда ёмонликка дучор бўладилар", дедилар".

### Яхши ҳисобланган иш садақа бўлади, деган ҳадис ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) "Яхши деб ҳисобланадиган ҳар бир иш садақа бўлади", дедилар".

Абу Мусо (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар бир мусулмон киши садақа қилиши керак", дедилар. Саҳобийлар: "Садақа қилишга қодир бўлмаса-чи?" — деб сўрашди. "Садақа қилишга қодир бўлмаса ишлайди-да, ўзига ҳам фойда ва ундан бошқа фақир мискинларга ҳам садақа бўлади", дедилар. Саҳобийлар яна: "Ишлашга ҳам қурби етмаса-чи?" — дейишди. "У вақтда муҳтож ва мазлум кишига қўли ёки тили билан ёрдам қилади", дедилар. Улар: "Буни ҳам қила олмаса-чи?" — деганларида, "Яхшиликка буюради", дедилар. Улар: "Амри маъруф қилишни ҳам билмаса-чи?" — дейишди. "Кишиларга ёмонлик қилишдан ўзини сақлайди. Бу ҳам киши учун садақа бўлади", дедилар".

Абу Зарр (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Ё Расулуллоҳ! Давлати бор кишилар кўп савобларга эга бўлишади, чунки улар биз ўқиган намозимизни ўқийдилар, тутган рўзамизни ҳам тутадилар. Бунинг устига ортиқча молларидан садақа ҳам қиладилар", дейилади.

**А.ИБРОҲИМОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 1 2 3 4 5 6